

Равшан АБДУЛЛАЕВ

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
профессори, иқтисод фанлари доктори*

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ИСЛАМСКИЙ БАНК РАЗВИТИЯ И УЗБЕКИСТАН: РЕЗУЛЬТАТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

ISLAMIC DEVELOPMENT BANK AND UZBEKISTAN: RESULTS AND PROSPECTS OF COOPERATION

Аннотация. Мазкур мақолада Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистон Республикасидаги 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган фаолияти кўриб чиқилган. Соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва жиҳозлаш, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда амалга оширилган ва жорий лойиҳалар бўйича статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Харақтери ва қўламига кўра, ИТБ нинг Ўзбекистондаги умумий фаолияти учта босқичга бўлинади: ҳамкорликнинг “пассив, мўътадил ва фаол босқичлари”.

Таянч сўзлар: Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Ислом тадқиқотлар ва тренинг институти (ИТТИ), Инвестиция ва экспорт кредитларини суғурталаш бўйича ислом корпорацияси (ИЭКЦИК), Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси (ХСРИК), Фоизсиз ссуда, Савдони молиялаштириш бўйича халқаро ислом корпорацияси (СМХИК), Техник ва махсус ёрдам операциялари, Бўлиб тўлаш асосида сотиш, Истисно, Мудораба, Мушорака, Ижара (лизинг).

Аннотация. В статье рассматривается деятельность Исламского банка развития в Республике Узбекистан с 1991 г. по настоящее время. Осуществлен анализ статистических данных по выполненным и текущим проектам в области здравоохранения, энергетики, сельского хозяйства, строительства и оснащения средних школ и профессиональных колледжей, строительства и ремонта дорог, поддержки малого и частного

бизнеса. По своему характеру и масштабу, вся деятельность ИБР в Узбекистане делится на три этапа: «пассивный, умеренный и активный этапы» сотрудничества.

Ключевые слова: Исламский банк развития (ИБР), Исламский институт исследований и тренинга (ИИИТ), Исламская корпорация страхования инвестиций и экспортного кредита (ИКСИЭК), Исламская корпорация развития частного сектора (ИКРЧС) и Международная исламская корпорация финансирования торговли (МИКФТ), Беспроцентная ссуда, Операции технической и специальной помощи, Продажа в рассрочку, Истисна, Мудараба, Мушарака, Иджара (лизинг).

Annotation. The article summarizes the results of research on the interpretation of religious-mystical symbols and images of animism, one of the first religious ideas in ancient times on the territory of Uzbekistan. The results of the research of many domestic and foreign scientists studying the way of life of the peoples of Central Asia were also discussed. Among them are E. Taylor, A. Pisarchik, A. Askarov, E. Rtveladze, M. Ishakov and B. Sarkarati.

Keywords: Islamic Development Bank (IDB), Islamic Research and Training Institute (IRTI), Islamic Investment Insurance and Export Credit Corporation (IIIECC), Islamic Private Sector Development Corporation (IPSDC) and International Islamic Trade Finance Corporation (IITFC), Interest-free loan, Operations of technical and special assistance, Sale by installments, Istisna, Mudarabah, Musharakah, Ijara (leasing).

КИРИШ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва мусулмон мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларнинг фаоллашуви жараёнлари кузатилмоқда. Хусусан, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) ва Ислом тараққиёт банки (ИТБ) томонидан Ўзбекистон ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатида эътироф этила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 16 октябрь куни ИХТ га аъзо мамлакатлар Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясида сўзлаган нутқи мазкур эътирофга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди [1]. Мазкур анжуман доирасида давлатимиз раҳбари ИТБ Президенти Бандар Ҳажарни қабул қилиб, Ўзбекистон ва ИТБ ўртасида яқин истиқболга мўлжалланган Ҳамкорлик стратегиясини

ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Ушбу стратегияга киритиш учун умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 21 лойиҳа бўйича таклифлар тайёрланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислон тараққиёт банки (ИТБ) халқаро ташкилот бўлиб, у дунёдаги барча ислоний банклар учун намуна ва мезон ҳисобланади [9]. ИТБ 1973 йил 18 декабрда Ислон Конференцияси Ташкилоти (ҳозирда Ислон Ҳамкорлиги Ташкилоти)га аъзо давлатлар молия вазирлари йиғилишида ташкил этилиб, 1975 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирда мазкур Банк 57 аъзо мамлакатни ўзида бирлаштиради [2].

ИТБ гуруҳи таркибига, шунингдек, Ислон тадқиқотлар ва тренинг институти (ИТТИ), Инвестиция ва экспорт кредитларини суғурталаш бўйича ислон корпорацияси (ИЭКСИК), Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислон корпорацияси (ХСРИК) ва Савдони молиялаштириш бўйича халқаро ислон корпорацияси (СМХИК) каби ташкилотлар киради [3; 257].

ИТБ гуруҳининг асосий фаолияти аъзо давлатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда ислон молия саноатини ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон ва ИТБ ўртасидаги амалий ҳамкорлик 1991 йилда бошланган. Гарчи ўша даврда Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлмаган бўлса-да, Банк Бухородаги Мир-Араб ва Дарул-Ҳадис мадрасалари билан бир қаторда Имом Бухорий мажмуаси каби тарихий иншоотларни тиклаш учун ҳам грантлар ажратилишини маъқуллади.

2003 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ИТБнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Худди шу йили банкнинг Вице-президенти, доктор Амаду Бубакар Сисе бошчилигидаги ИТБ делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф натижаси ўларок, келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги ҳамкорлик дастури тасдиқланди [5].

Бугунги кунда ИТБ томонидан ушбу дастур доирасида соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, ўрта мактаб ва касб-хунар коллежларини қуриш ва жиҳозлаш каби

42 та лойиҳани амалга ошириш учун 2,015 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратилиши тасдиқланди. Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш, кичик ва хусусий бизнесни молиялаштириш, давлат молия бошқарувини ислоҳ қилишга кўмаклашиш шулар жумласидандир.

ИТБ томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар, хусусан, шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари ва унинг ҳудудий филиалларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун - 23,8 млн. АҚШ доллари, онкологик муассасаларни модернизация қилиш учун - 37,04 млн. доллар, санитария-эпидемиология лабораторияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун эса - 17,44 млн. доллар миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Таълим соҳасида бир қатор лойиҳалар, жумладан, 5 та касб-хунар коллежлари (10,5 млн. дол.) ва умумтаълим мактаблари (22,03 млн. дол.) ни қуриш ва жиҳозлаш, Олий таълим тизимини қўллаб-қувватлаш (44,48 млн. дол.) га йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилди.

Кредит линияларининг муҳим қисми энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди. Мисол тариқасида қуйидаги лойиҳаларни келтириш мумкин: “Фарход ГЭС”ини модернизация қилиш - 100 млн. дол., Сирдарё ИЭС нинг “Суғдиёна” қуйи станциясида 500 КВт. ли янги линия қуриш - 25 млн. дол., Ғуздор-Сурхон қуйи станцияларини кенгайтириш - 42 млн. дол., Тошкент-Термиз автомагистралини реконструкция қилиш - 167,2 млн. дол., “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ЁАЖ учун 4 та Боинг самолётини сотиб олиш - 170 млн. дол., замонавий қишлоқ уйлари қуриш - 400 млн. дол., Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ирригация ва дренаж тармоқларини тиклаш - 52,65 млн. дол. ва бошқалар [6].

ИТБ гуруҳи аъзоси бўлган Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси (ХСРИК) 1999 йилда 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги Низом жамғармаси билан ташкил этилган. 2004 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилот аъзоси бўлди. Ҳамкорликнинг дастлабки йилларидаёқ ХСРИК технологик ускуналарни ижарага олиш учун мўлжалланган хусусий

сектор лойиҳаларини молиялаштириш учун 3 миллион доллар ажратди.

ХСРИК Директорлар Кенгашининг қарорига биноан, Ўзбекистоннинг тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 2009 йилда 50 миллион доллар, 2012 йилда 80 миллион доллар, 2013 йилда 50 миллион доллар миқдорида кредит линиялари очилди, шунингдек, бошланғич капитали 5 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лизинг компанияси ташкил этилди. 2017 йил январь ойида юқорида қайд этилган Кенгаш томонидан тижорат банкларига 70 миллион доллар миқдорида янги кредитлар, шу жумладан, Микрокредит банкига - 12 млн.дол., Ипак йўли банкига - 12 млн. дол., Ҳамкор банкка - 11 млн. дол., Осиё Альянс Банкка - 10 млн. дол., Капитал Банкка - 8 млн. дол., Ориент Финанс Банкка - 5 млн. дол., Ўзбеклизингга - 7 млн. дол. ва бошқа банкларга - 5 млн. дол. миқдорида кредитлар берилиши маъқулланди.

ХСРИК кредит линияларининг шартлари куйидагича: Кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 8,5% дан кам бўлмаслиги ва 12% дан кўп бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга воситачи банк томонидан олинadиган ҳар қандай фойда Банк ва ХСРИК ўртасида 1/4 ва 3/4 нисбатида, яъни воситачи банк - 25% ва ХСРИК - 75% асосида тақсимланади. Кредит муддати 4 йил бўлиб, уни амалга ошириш учун имтиёзли давр берилади [7].

Умуман олганда, ХСРИК томонидан ажратилган кредитлар натижасида Ўзбекистонда 200 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари амалга оширилиб, улар асосида 3300 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Агар 1991 йилдан 2017 йилгача бўлган даврдаги молиялаштиришни иқтисодиёт тармоқлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, улар орасида устувор йўналиш сифатида энергетика соҳасига - 403,1 миллион доллар йўналтирилган, шунингдек, транспортга - 348 миллион доллар, қишлоқ ва сув хўжалигига - 332,6 миллион доллар, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилашга - 205,9 миллион доллар маблағ йўналтирилди. Таълим соҳасига - 34,1 миллион доллар, саноат ишлаб чиқариши каби соҳаларга эса - 70,1 миллион доллар маблағ сарфланди.

1-жадвал

ИТБ томонидан Ўзбекистондаги
молиялаштириш турлари [8]

Молиялаш- тириш турлари	Лойиҳа	Маблағ, млн. \$	Ҳиссаси, % да
Фоизсиз ссуда	3	32,5	1,8
Техник ва махсус ёрдам операция- лари	13	3,0	0,2
Ҳамкорликда молиялаштириш йўналиши	3	45,0	2,4
Бўлиб тўлаш асо- сида сотиш	9	288,2	15,9
Истисноъ	9	705,6	39,1
Ижара (лизинг)	11	412,1	22,8
Мудораба	0	0,0	0,0
Мушорака	0	0,0	0,0
Савдони молия- лаштириш	21	311,6	17,2
Бошқалар	1	5,0	0,6
Жами	70	1803,0	100,0

Барча соҳалар учун ажратилган кредитлар ҳажмининг йиллик таҳлилига кўра, молиялаштиришнинг энг юқори даражаси 2013 йилга тўғри келади - 380,7 миллион доллар, 2002 йилда эса, умуман, молиялаштириш бўлмаган. Таъкидлаш жоизки, 1991 йилдан 2016 йилга қадар ИТБ томонидан Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш учун 1,803 миллион доллар миқдорида турли хил кредитлар ажратилди.

1-жадвалда ИТБ томонидан молиялаш-тириш турлари ва уларнинг умумий инвестициялардаги улуши кўрсатилган. Кўриниб турибдики, бу ерда инвестицияларнинг катта қисми (39,1%) Истисноъ шартномасининг улушига тўғри келади. Ундан кейин Ижара (22,8%), савдони молиялаштириш (17,2%) ва бўлиб тўлашга асосланган сотиб олиш (15,9%), ҳамкорликда молиялаштириш йўналишлари (2,4%) ва фоизсиз кредитлар (1,8%) ни ташкил этади. Мудараба ва мушарака шартномаларига келсак, улар Ўзбекистон шароитида умуман қўлланилмаган.

Гарчи ҳозирги кунда мусулмон давлатларида мудараба ва мушаракага асосланган исломий молиялаштириш схемалари ва усулларида амалий фойдаланиш кўламини кенгайтириш ислом тадқиқотчилари томонидан қатъий

тавсия этилса-да, аслида аксарият мезбон мамлакатларда ислом банклари операциялари умумий ҳажмининг 10 фоизидан камроғи ушбу молиялаштириш усулларида мунтазам фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. (10)

Ўтган йилнинг сентябрь ойида ИТБ президенти Бандар Ҳажар расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф чоғида 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасида стратегик шериклик тўғрисида ҳужжат имзоланди, унда мамлакатга 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. “ИТБ гуруҳи куни» конференциясида Б.Ҳажар банк Ўзбекистонни иқтисодиёт ва инновацияларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтди. Унга кўра кредитлашнинг умумий ҳажмидан 475 миллион долларини энергетика, транспорт ва шаҳарсозлик соҳасидаги лойиҳаларга, 300 миллион долларни қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига, 140 миллион долларини ижтимоий ривожланишга сарфлаш режалаштирилган.

ХУЛОСА

1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган ва яқин келажакни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва ИТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг ўтган даврини шартли равишда 3 босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич: ИТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигидаги “пассив босқич” (1991-2002). ИТБга аозо бўлмаган мамлакат сифатида Ўзбекистон 11 йил ичида 1,8 миллион доллар миқдорида беғараз ёрдам олди.

Иккинчи босқич: Ҳамкорликнинг “мўътадил босқичи” (2003-2017). Ўзбекистон ИТБ аозоси сифатида 14 йил ичида Банкдан 1,801 млрд. доллар (йилига ўртача 128 миллион доллардан) миқдорида турли хил кредитлар шаклида маблағ олди.

Учинчи босқич: Яқин келажакка қаратилган ҳамкорликнинг “фаол босқичи”. 1,3 миллиард доллар (йилига ўртача 433 миллион доллардан) миқдорида кредитлар ажратиш тўғрисида келишувга эришилди.

Шундай қилиб, биз ИТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бўлган ва шундай давом этади, деган хулосага келишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, бу ўзаро

манфаатли, энг муҳими, самаралидир. Зероки, шу туфайли мамлакат иқтисодиёти ривожланиб, аҳоли фаровонлиги мунтазам ошиб боради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://president.uz/ru/lists/view/1018>. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом саммите Организации исламского сотрудничества по науке и технологиям.
2. Исломий молиялар ва банк тизими (Исламские финансы и банковская система). Таржимон: Б.Жураев. – Т.: O'zbekiston, 2014. – 464 б.
3. Байдаулет Е.А. Исломий молия асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -257 б.
4. Павлов В.В. Исламские банки в исламском финансовом праве. – М.: Анкил, 2003. – 256 с.
5. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – 352 с.
6. Журавлев А.Ю. Принципы функционирования исламских банков. Исламские финансы в современном мире: экономические и правовые аспекты/ Под ред. Р.И.Беккина. – М.: УММА, 2004.
7. Ценностные ориентиры в экономической среде исламского мира: Сборник статей/ Под ред. С.В.Пирогова. Сост. Г.Ю.Микрюкова. – М.: МАКС Пресс, 2009. – 148 с.
8. www.isdb.org